

# TOSHKENT NAHOIYATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ВА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу маънода, жорий йил 23 апрель куни пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманига амалга оширилган ташриф нафақат ушбу ҳудуд, балки бутун республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илғор тажрибаларни намоён этди.

▼ Тажриба

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, инфратузилма янгиланиши ва рақамли бошқарув тизимлари билан танишар экан, бу ерда синовдан ўтган самарали ёндашувларни мамлакатнинг барча ҳудудларида жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса Мирзо Улуғбек туманини ўзига хос "тажриба мактаби" сифатида намоён этмоқда.



Айнан шу мақсадда Тошкент вилоятининг 22 та туман ва шаҳар ҳокимлари, шунингдек, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур ҳудудга ташриф буюриб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу амалий ўрганиш жараёнида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва бошқарув самарадорлигини таъминлаш борасидаги тизимли ишлар кенг қамровда таҳлил қилинди.

Туманнинг "Богимайдон" маҳалласи бугунги кунда замонавий шаҳарсозлик ва ободлик намунасига айланган. Бу ерда барпо этилган кўп қаватли уй-жойлар, обод ҳовлилар, болалар майдончалари ва спорт иншоотлари аҳолига қўлай ва хавфсиз муҳит яратиш бермоқда. Қарийб 5,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада инсон манфаатлари устувор қўйилгани, ҳар бир лойиҳа аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилгани яққол кўзга ташланади.

2

▼ Кун тартиби



Тошкент вилояти ҳокимлигида 2026 йилнинг биринчи чораги яқунлари ҳамда йил охирига қадар устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

## Биринчи чорак якуни:

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ, САБОҚ ВА ХУЛОСАЛАР

Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимлари, саноат зоналари, банк-молия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш танқидий руҳда ўтиб, унда вилоят ҳокими Зойир

Мирзаев кенг қамровли таҳлилий маъруза қилди.

Асосий эътибор Президентимиз раислигида шу йил 24 апрель куни ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорак яқунлари таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилган камчиликларни барта-

раф этиш ва белгилаб берилган галдаги вазифалар ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилди. Хусусан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринлари яратиш, экспортни кўпайтириш, инвестиция сифати ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш масалалари муҳокама ва мунозара марказида бўлди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## КЕЛАЖАК ЛОЙИҲАЛАРИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

▼ Ёш муҳандис – 2026

Бугун технологиялар шиддат билан ривожланаётган бир даврда, илм-фанга қизиққан ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўз ғоясини реал лойиҳага айлантиришга интилаётган иқтидорли ёшлар учун яратилаётган майдонлар нафақат рақобат, балки яхши имкониятлар эшигини очмоқда. Ана шундай платформалардан бири "Ёш муҳандис" республика танловидир.

Тошкент давлат аграр университетида мазкур танловнинг Тошкент вилояти минтақавий бўсқичи ўтказилди. "Ўзбеккосмос" агентлиги ташаббуси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва мазкур университет ҳамкорлигида ташкил этилган танлов ёшларнинг муҳандислик, робототехника ва инновацион фикрлаш борасидаги салоҳиятини рўйбага чиқаришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди.



4

▼ Қишлоқ хўжалиги

## ИЛҒОР УСУЛ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

соҳанинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда



Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда амалга оширилаётган изчил ислохотлар доирасида аграр тармоққа инновацион ёндашувлар, замонавий ахборот тизимлари ва илғор агротехнологиялар кенг татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмоновнинг Тошкент вилоятига ташрифи ҳам айнан ушбу жараёнларнинг амалдаги ижроси, жойларда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ҳамда янги лойиҳалар билан яқиндан танишиш мақсадида ташкил этилди.

Дастлабки манзил Урта Чирчиқ туманидаги дон қабул қилиш шаҳобчаси бўлди. Бу ерда 2026 йил ҳосили учун этиштирилган ғаллани қабул қилишга тайёргарлик жараёнлари билан танишилди.

Ташриф доирасида вазирлик ҳузуридаги

"Агрорасаноат рақамлаштириш маркази" МЧЖ раҳбари Ўткир Маҳмудов томонидан ғалла ҳосилини қабул қилишда асосий техник вазифа сифатида жорий этилган "АгроТарози" ахборот тизимининг функционал имкониятлари тақдимот қилинди. Унда ғаллани қабул қилишда рақамли технологияларнинг ўрни, мазкур тизимнинг қўлайликлари, ҳосил вази, сифати ҳамда унга оид муҳим маълумотларни электрон шаклда қайд этиш ва ушбу жараёнларни автоматлаштириш борасидаги инновацион ечимлар ҳақида маъруза қилди.

2

## Вилоят бо'йлаб

Ўзбекистон Республикаси Президенти масlahatchisining o'rinbosari P.Bobojonov BO'KA tumaniga tashrif buyurib, hududda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar hamda bunyodkorliklar bilan yaqindan tanishdi. Jumladan, tumandagi Yoshlar bog'i hududida qurilishi rejalashtirilgan loyihalar ko'zdan kechirildi. Zamonaviy park barpo etish, tuman markazida joylashgan savdo shaxobchalari oldini tartibga keltirish, hududlarni obodonlashtirish, yashil maydonlarni kengaytirish bo'yicha aniq vazifalar belgilab berildi.

NURAFSHON shahridagi Yoshlar markazida ijtimoiy soha muassasalari va byudjet tashkilotlari mas'ul xodimlari uchun davlat auditi va moliyaviy nazorat tizimini takomillashtirishga bag'ishlangan kengaytirilgan seminar bo'lib o'tdi. Tadbirda ishtirokchilarga profilaktik va tahlilga asoslangan zamonaviy nazorat tizimining afzalliklari haqida ma'lumot berildi. "Masofaviy audit" axborot tizimi joriy etilishi natijasida nazorat jarayonlari to'liq raqamlashtirilib, tahlil imkoniyatlari kengaygani taqdimot orqali batafsil tushuntirildi.

CHIRCHIQ shahrida "Kelajakka qadam" dasturi doirasida "Karyera kuni" mehnat yarmarkasi tashkil etildi. Unda ish beruvchilarga joriy o'quv yilida universitetni tamomlayotgan 1 ming 934 nafar bitiruvchi talabalar haqida ma'lumot berildi. Yarmarkada jami 63 ta hamkor tashkilot va muassasa 394 ta bo'sh ish o'rni bilan qatnashib, talabalarga ishga joylashish, amaliyot o'tash uchun yo'llanmalar taqdim etildi.

ZANGIOTA tumanidagi Prezident, ijod, sport va ixtisoslashtirilgan maktablar hamda maktab-internatlar o'quvchilari o'rtasida "Turon yo'lbarslari" harbiy-sport musobaqasi o'tkazildi. Musobaqada ishtirokchilar o'zlarining jismoniy tayyorgarligi, harbiy bilim va ko'nikmalari, chaqqonligi, matonatni hamda tezkor qaror qabul qilish qobiliyatlarini ko'rsatishdi. Yakuniy natijalarga ko'ra, 1-o'rin ixtisoslashtirilgan maktab jamoasiga nasib etdi.

Toshkent viloyati hokimining qishloq va suv xo'jaligi masalalari bo'yicha birinchi o'rinbosari Xurshid Qoraboyev OQQO'RG'ON tumanida bo'lib, soha mutaxassislari, ta'minotchi korxonalar mas'ullari va fermer xo'jaliklari rahbarlari bilan uchrashdi. Muloqotda fermerlar faoliyatida yuzaga kelayotgan muammo va kamchiliklar atroficha o'rganilib, ularni joyida hal etish choralarini ko'ril-di. Ayrim masalalar tezkor hal etilib, fermerlarni qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratilishi ta'kidlandi.



4

## Биринчи чорак якуни:

Қайд этилганидек, 2026 йил I чорақда вилоят иқтисодиятида ижобий ўсиш динамикаси кузатилади. Ялпи ҳудудий маҳсулот 43,2 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 7,6 фоизга етди. Саноат ҳажми 42,9 трлн. сўм бўлиб, 7,8 фоиз ўсиш таъминланди. Хизматлар соҳаси 19,8 трлн. сўмга етди ва 15,1 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги 7,4 трлн. сўм (+2,4 фоиз), қурилиш ишлари ҳажми 6,6 трлн. сўм (+7,3 фоиз) ни ташкил этди.

Шунингдек, 709 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, белгиланган режа 156 фоизга бажарилди, экспорт ҳажми эса 337,7 млн. долларни ташкил этди ва 6 фоизга ўсди.

Таҳлиллар кўрсатишича, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмапти. Масалан, 8 та ҳудудда саноат прогнозлари бажарилмаган ва 1 трлн. сўмдан ортиқ қиймат яратилмай қолган. 97 та корхона тўлиқ қувватда ишламаган. 40 та корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 трлн. сўмга камайган.

Айрим ҳудудларда саноат штаблари самарасиз ишлаётгани, тадбиркорлар мурожаатла-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ, САБОҚ ВА ХУЛОСАЛАР



ри ўз вақтида ҳал этилмаётгани таниқилди.

Вилоятда йиллик инфляция 6,8 фоизни ташкил этган бўлса-да, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин ошиши кузатилади. Масалан, гўшт маҳсулотлари 14 фоизга-ча, сабзи 10 фоизга кўтарилган.

Йилгилишида инвестиция ва экспорт йўналишидаги жиддий муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. 75 та инвестиция лойиҳаси

бўйича молиялаштириш очилмаган. Шунингдек, 11 та лойиҳалар инфратузилмадаги муаммолари сабабли бошланмаган. Вилоят бўйича 2025 йилда 95,5 млн. доллар экспорт қилган 205 та корхонада экспорт ўтган йилга нисбатан камайган.

Вилоят раҳбари ўз нутқида энергетика ва коммунал соҳадаги муаммоларга ҳам алоҳида тўхташди.

Хусусан, электр энергияси

йўқотишлари 10 фоизни ташкил этган бўлса-да, айрим ҳудудларда бу кўрсаткич 20-23 фоизга етгани айтилди. Шунингдек, электр энергияси бўйича қарздорлик деярли қамаймаган, табиий газ бўйича қарздорлик эса республикада энг юқори даражада сақланиб қолмоқда. Микро ГЭС лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги ишлар суст.

Таъкидланганидек, вилоятда иқтисодий ўсиш учун катта сарфхат мавжуд. Бироқ, маъсулларда ижро интизомининг талаб даражасида бўлмаётгани, режалаштириш тизими етарли эмаслиги, раҳбарларда ташаббус ва шахсий масъулият етишмаётгани муаммоларнинг асосий негизи сифатида қайд этилди.

Шунингдек, қатор раҳбарлар ва мутасаддиларнинг мавжуд

вазиятга изоҳи ва ҳисоботлари тингланди. Жумладан, Чиноз тумани ҳокими Шерзод Салихов, Ангрен шаҳри ҳокими Алишер Райимов, Нурафшон шаҳри ҳокими Илҳом Кличанов, Бекobod шаҳри ҳокими Насрулло Бобоев, Тошкент тумани ҳокими Сардор Эргашев, вилоят Иқтисодий ва молия бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Ху-моюн Кулманов, "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси директори Ғолибжон Эшмирзаев, "Худудгаз Тошкент" МЧЖ директори Жамшид Муҳаммедов, "Ўзэнергоспеция" вилоят бошқармаси бошлиги Шухрат Муҳаммедов, кичик саноат зоналари дирекцияси раҳбари Шоҳруҳ Шоҳамедов ва бошқалар биринчи чорак якунлари бўйича ўз хулосалари ва давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ижроси юзасидан ҳаракат дастурлари ҳақида ахборот бердилар.

Йилгилиш сўнигида биринчи чорак якунлари бўйича мақсадли кўрсаткичлар таъминланишида хато ва камчиликларга йўл қўйган вилоят ташкилотлари ва ҳудудий мутасаддиларга қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо қўрилиши маълум қилинди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ВА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Шу билан бирга, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кўпайиши, янги иш ўринларининг яратилиши аҳолининг даромад манбаларини кенгайтириш билан бирга, ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда.

Шунингдек, ҳудудда экологик барқарорликни таъминлаш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Туманда ташкил этилган экобоғ ва яшил ҳудудлар шаҳар муҳитини соғломлаштириш, табиий мувозанатни сақлаш ҳамда аҳоли учун мусоффо ҳаво ва қулай экологик шароит яратишга хизмат қилмоқда. Бу каби ташаббуслар келажак авлод учун соғлом муҳитни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мирзо Улугбек туманида гастрономик туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, "Ўзбекистон овози" кўчасида амалга оширилган бунёдкорликлар қисқа муддат ичида ҳудудни замонавий сервис ва туризм марказига айлантирди. Бу ерда яратилган инфратузилма нафақат шаҳар қиёфасини яхшилади, балки янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Замонавий бошқарув тизимлари эса мазкур ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Туман ҳокимлигида ташкил этилган Вазиятлар маркази, "Ақлли туман", "Хафсиз туман" ва "Ал Давомат" каби рақамли платформалар орқали бошқарув жараёнлари янги босқичга кўтарилган. Бу тизимлар орқали маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали қарорлар қабул қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Энг муҳими, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга чиққан.

Ташриф якунида иштирокчилар туманда жорий этилган илғор тажрибаларни ўз ҳудудларида ҳам татбиқ этиш бўйича аниқ хулосаларга келдилар. Таъкидлаш жоизки, бу ерда шаклланган ёндашув – бунёдкорлик, иқтисодий фаоллик, экологик барқарорлик ва рақамли бошқарув уйғунлиги – бугунги кунда замонавий шаҳар ривожланишининг энг самарали модели сифатида намоён бўлмоқда.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Жалалиддин ЭСОНОВ олган суратлар

## Пиллачилик

Пискент туманида пиллачиликни замонавий йўналишда ривожлантириш, ҳосилдорликни кўпайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни жорий этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Хитой тажрибаси асосида ишлаб чиқилган янги агротехник ёндашувлар ва мавсумий парвариш усуллари соҳада муҳим ўзгаришларга замин яратмоқда.

Хусусан, тумanning "Минг-тепа" маҳалласида жойлашган "Xuvadin Industrial" қўшма корхонасида мазкур тажриба асосида инкубация маркази, ишлаб чиқариш ва парвариш бўлимлари ташкил этилган.

Режага кўра, жорий мавсумда ипак қурти белгиланган меъёрлар асосида озиқлантирилади, зарур ветеринария ва дезинфекция ишлари ўз вақтида амалга оширилади. Айрим ҳолларда бир неча марта тақорий озиқлантириш ва ишонч бериш чоралари қўрилади. Ипак қуртини меъёрига ва сийрак ҳолда парвариш қилиш ҳосилдорликни

# Хитой тажрибаси: УЧ БОСҚИЧЛИ ЖАРАЁН МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

сезиларли даражада оширади.

Яқинда туманда пиллачилик соҳасини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган амалий семинар бўлди. Унда республика ва вилоят даражасидаги мутасаддилар, турли ҳудудлардан ташриф буюрган маъсул ходимлар иштирок этишди. Жараёнда тумандаги мавжуд ресурслар, инфратузилма ва имкониятлар жойига чиқиб ўрганилди.

Хусусан, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, ипак қуртини парвариш, пиллачиликни сақлаш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, давлат томонидан берилмаётган имтиёзлар, субсидия ва солиқ енгилликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Жорий мавсумда туман



бўйича қарийб 3 минг 41 қути ипак қурти уруғи тарқатилиб, 182 тонна пилла етиштириш режалаштирилган, – дейди туман бош агрономи Санобар Жўраева. – Бу борадаги ишлар фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида ташкил этилмоқда. Хитой тажрибасига асосланган янги тизимга кўра, ипак қурти дастлабки уч ёш босқичига махсус марка-

лашган шароитда парвариш қилиниб, кейин фермерлар ва аҳолига етказиб берилди. Бу эса касалликлар хавфини камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишда самарали усул сифатида ўзини оқламоқда.

Туманда ипак қурти уруғини шонлантириш, саралаш ва тарқатиш марказлари ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда хотин-қизлар бандлиги таъ-

минланмоқда. Айни пайтда 328 гектар майдонда ипак қурти уруғлари тайёрланиб, аҳолига тарқатилган ва парвариш жадвал давом этмоқда.

– Кичик ёшда парваришlash технологиясининг афзаллиги шундаки, у фермерлар учун дастлабки қийинчиликларни бартараф этади, – дейди хитойлик мутахассис Ли Чжидун. – Янги усулда оддий аҳоли ҳам ипак қуртини муваффақиятли парвариш қила олади. Мухими, Ўзбекистон шароитида ҳосилдорликни 50 фоизга ошириш имконияти мавжуд.

Мутахассиснинг таъкидла-

шича, ипак қуртини парвариш-лашда оҳақдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. У дезинфекция қилади, муҳитни қури-тади ва қуртларнинг тартибсиз ҳаракатланишининг олдини олади. Натижада улар соғлом ривожланади.

Туманда жорий этилаётган мазкур тажриба келгусида республика бўйлаб кенг татбиқ этилиши мумкин. Бу эса пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад манбаи яратишда муҳим аҳамият касб этади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Муаллиф олган сурат

– Ушбу тизим хом ашёни қабул қилиш, тарозидан тортиш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш имконини беради ҳамда инсон омилнинг таъсирини минималлаштиради, – дейди Ўткир Маҳмудов. – Бу эса коррупция хавфининг олдини олишга хизмат қилади, ҳисоб-китобларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлайди, шунингдек, фермерлар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилади.

Вазир тизимнинг мавжуд имкониятлари ва амалий самарадорлиги билан танишар экан, мавсумолди тайёргарлик ишларини ижобий баҳолаб, мазкур платформа галла қабул қилиш жараёнини янада шаффоф, тезкор ва самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Бундан ташқари, платформани янада такомиллаштириш, унинг узлуксиз ишла-шини таъминлаш ҳамда галлачилик билан шуғулланадиган фермерларга амалий кўмак кўрсатиш масалаларида марказ мутахассисларнинг масъулияти муҳим экани таъкидланди.

Кейинги маъно ўрта Чирчиқ туманидаги "Zero Maks Agro Biznes" фермер хўжалигига қарашли дала майдонлари бўлиб, у ерда янги усулда етиштирилаётган пахта навлари парвариши кўздан кечирилди.

Ўрганиш жараёнида вазирга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори Забардаст Бўриев ҳамроҳлик қилди.

Маълумот учун: ҳудуддаги кенг дала майдоннинг 25 гектарлик контур қисмида пахтанинг серхосил нави "Шинжон" усулида, қўшқатор қилиб плёнка остига экилган. Сўғориш ва озиқлантириш ишлари замонавий технологиялар ёрдамида бажарилмоқда. Эътиборлиси, даланинг 15 гектар

# ИЛҒОР УСУЛ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА


қисмида махсус рангли қоплама плёнкадан фойдаланилган. Айни пайтда экинлар баравж, соғлом ва сифатли ривожланмоқда.

Шунингдек, пахта даласида етиштирилаётган хорижий гўза навларини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида 6 гектарлик махсус зоналар ташкил этилган бўлиб, ушбу ҳудудда маҳаллий "Султон" нави парвариш қилинмоқда. Шундай бўлса, хорижий навлар экилган майдонларнинг олд қисмида 11 метрлик ҳимоя белбоғларини барпо этиш зарурлиги қайд этилди.

Жараёнда ишчи гуруҳ таркибидаги олимларга тажриба тарикасида қўлланаётган қизил, яшил ва кўк рангли плёнкалар остида униб чиқаётган гўза навларининг ривожланиш жараёнини мунтазам мониторинг қилиб бориш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Хусусан, экинларнинг соғломлиги, унвчанлиги ва етилиш самарадорлигини илмий асосланган механизмлар орқали чуқур таҳлил қилиш вазифаси топширилди. Шунингдек, гўза навларини парвариш-лашда назоратни кучайтириш, озиқлантириш жараёнида эса белгиланган агротехник меъёрларга қатъий амал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Бундай ёндашув келгуси мавсумларда мазкур тажрибани кенгроқ жорий этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим хулосаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирининг навбатдаги



манзили шу тумандаги "Madoniz Diamond" хусусий уруғчилик корхонасининг дала майдони бўлди.

Мазкур 44 гектарлик пахта майдонининг 11 гектарлик контурда уруғлик чигитлар тажриба сифатида қизил плёнка остига экилмоқда. "Шинжон" технологияси асосида йўлга қўйилган ишлар корхонада замонавий ечимларга интилиш юқори эканини кўрсатмоқда.

Вазир плёнкага эътибор қаратар экан, қалинлик 2 микрондан ортиқ бўлганда унинг ранги ва сифат кўрсаткичлари сақланиб қолиши, бу эса экинлар учун фотозефект-ни янада самарали қилишини таъкидлаб, илғор усуллар нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини ҳам яратётганини алоҳида қайд этди.

Ишчи гуруҳ корхонанинг галла майдон-

ларини ҳам кўздан кечирди. 22 гектарлик алоҳида контурда илк бор галлани томчилятиб сўғориш технологияси жорий этилган. Натижада майдонда бегона ўтлар деярли учрамайди, ниҳоллар эса барқарор ривожланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, томчилятиб сўғориш усули сув тежамкорлиги билан бирга ўсимликка зарур бўлган қўшимча озуқа ва ўғитларни ҳам аниқ меъёрида етказиш имконини беради.

Илгари сўғориш ишларига 20 нафар ходим жалб этилган бўлса, бугунги кунда томчилятиб сўғориш орқали бу жараённи атиги 4 нафар ишчи бажармоқда. Бу эса меҳнат ва вақт сарфини кескин камайтириш имконини бермоқда.

Узаро суҳбат чоғида тадбиркорлардан агротехник тадбирларда дрон хизматларидан фойдаланиш бўйича мурожаат бўлди. Таклиф ишчи гуруҳ томонидан жойида қўриб чиқилиб, ижобий баҳоланди ҳамда дрон технологияларини жорий этиш учун тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Қуйи Чирчиқ туманидаги "ТСТ Fish Cluster" масъулият чекланган жамиятида ҳам бўлиб, органик гуруч етиштиришнинг янги модели билан танишди.

Мазкур хўжалиқда бугунги кун талаблари ва глобал тажриба асосида мутлақо янги йўналиш – сув устида шולי етиштириш лойиҳаси синовдан ўтказилмоқда. Бир гектар сув ҳавзасида Филиппин, Таиланд, Хитой ва Вьетнам тажрибасига таянган ҳолда

сузувчи шולי экилиб, инновацион агротехнологиянинг амалий натижалари ўрганилмоқда.

Ушбу усулнинг энг муҳим жиҳати – маҳсулот тўлиқ органик ҳолда етиштирилишидир. Сабаби, ҳовузларга балиқ учун солинадиган озуқа моддалари, хусусан, аммосос сув муҳитида табиий ўғит вазифасини бажаради. Шу билан бирга, балиқларнинг шולי илдиз тизими билан ўзаро таъсири ўсимликнинг ўсувчанлигини ошириб, ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатади. Натижада нафақат экологик тоза, балки сифат жиҳатдан юқори маҳсулот олинмоқда.

Мазкур технология асосида етиштирилган маҳсулотга нисбатан сифат ва нарх жиҳатидан икки баробар устунликка эга. Бу эса ички бозорда рақобатбардошлиқни ошириш билан бирга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Эътиборлиси, мазкур тажриба Шолчилик илмий-тадқиқот институти томонидан комплекс равишда олиб борилмоқда. Яъни, Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Наманган вилоятининг Мингбулоқ ҳамда Тошкент вилоятининг Бекобод туманларида ҳам жорий этилаётгани ушбу йўналишнинг истиқболи юқори эканидан далолат беради.

Келтирилган масола, қўрилаётган чора-тадбирлар аграр соҳада янги-ча ишлаш тизими шаклланаётганини аниқлатади. Илғор усуллар ва технологияларнинг қўлланилиши эса иш унумдорлиги ортиб, соҳанинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

# ТАҚДИР СИНОВЛАРИ

## ёхуд ака-укаларнинг ибрат йўли



**Мадаминовлар сулоласининг илдизлари аллома шоир Юсуф Сарёмийга бориб тақалади. Бу авлод – нафақат насаб, балки маънавий мерос, ирода ва садоқат рамзидир.**

Мадамин бобо ва Дилшод аянинг оиласида туғилган Насрулло, Замира ва Нуриддин тақдир тақозоси билан ҳаёт синовларига эрта рўбарў бўлдилар. Уруш йиллари отадан жудолик, турмушнинг оғир юки – буларнинг бари, аввало, катта ўғил Насруллонинг елкасига тушди. Ёш бўлишига қарамай, у олага таянч, укаси ва синглисига ҳам ота, ҳам ака бўлди. Ана шу машаққатлар уни матонатли, меҳнатқаш ва иродали қилиб тарбиялади.

### ▼ Бизга ёзадилар

1958 йилда мактабни тамомлаган Насрулло Мадаминов турли масъул лавозимларда ишлади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент давлат университетиде тахсил олиб, яна ўз туманига қайтди. Ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги уни раҳбарлик лавозимларига олиб чиқди.

Айниқса, собиқ "Коммунизм" хўжалигига раис этиб тайинлангандан кейин у ердаги ўзгаришлар барчага ибрат бўлди. Қишлоқ ободонлаштириш кучалар кенгайди, асфальтланди, ичимлик суви келди, мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари барпо этилди. Энг муҳими, одамларнинг турмуш шароити яхшиланди. Насрулло Мадаминов одамлар фақат пахта режасини бажариш билан ашаган даврда ҳам оддий деҳқоннинг дардини унутмади – халқ билан бирга нафас олди, меҳнат қилди.

Бироқ тарихда "пахта иши" номи билан қолган адолатсиз сиёсий-ижтимоий вазият кўплаб ҳалол инсонлар қатори уни ҳам ўз домига тортиди. Қамоқхонадаги оғир шароит, беэтиборлик ва нотўғри муолажалар унинг ҳаётига нуқта қўйди: 1986 йил 25 май куни, 48 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Лекин инсон умри йиллар билан эмас, амаллари билан ўлчанади. Насрулло Мадаминов эл-юрт учун қилган хизматлари, ҳалол меҳнати ва пок номи ҳурмат билан ёдга олинади. У ўз даврининг ҳақиқий фидойиси эди.


1942 йилда туғилган Нуриддин Мадаминов эса шу сулоланинг муносиб давомчиси, Насрулло акасига муносиб издош бўлди. У ҳам болалигидан ҳаётнинг оғир синовларини кўрди. Машаққатлар уни сабрли,

масъулиятли ва иродали инсон қилиб тарбиялади.

Меҳнат фаолиятини маданият соҳасидан бошлаб, кейинчалик матбуотда ишлади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, партия ва давлат идораларида турли масъулиятли вазифаларни бажарди. Қарерда ишлагани, ўзининг ҳалоллиги, ташаббускорлиги ва инсонларга бўлган ҳурмати билан эл назарига тушди.

Тошкент вилояти ва қатор туманлардаги раҳбарлик фаолияти давомида Нуриддин Мадиевич одамлар ишончини қозонди. Аммо "пахта иши"нинг салбий таъсири унинг тақдирини ҳам соя солди. Акасига нисбатан бўлган ноҳақ муносабат сабаб у ҳам лавозимдан четлатилди.

Бироқ у буни таназул эмас, балки тақдир синови деб қабул қилди. Қайси хўжаликка юборилмасин, уни



қисқа вақтда оёққа тургазди, одамларнинг ишончини қайта тиклади. Кейинчалик яна юқори лавозимларга тайинланиб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намойён этди.

Ака-ука Мадаминовлар ҳаёти – бу фақат икки инсон тақдирини эмас, балки бир авлоднинг матонати, бир оиланинг сабри, бир халқнинг оғир ва шарафли тарихи ифодасидир. Улар етимлик, уруш ва қийинчиликларга қарамай, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилдилар. Ҳалолликни шиор, адолатни эса ҳаёт мезони деб билдилар. Шу боис уларнинг номи бугун ҳам эҳтиром билан тилга олинади. Бундай инсонлар одамлар хотирасида узоқ ашайди.

**Абдулла МАЪДИЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси  
Оққўрғон тумани

## СПОРТ янгиликлари



### Теннисчимиз шоҳсупада!



Вакиламиз ҳал қилувчи финал рақеткеси Мария Тимофеева Швейцариянинг Кьяссо шаҳри мезбонлик қилган WTA 75 тоифасига кирувчи, мукофот жамғармаси 60 минг долларни ташкил этган турнирда чемпион бўлди.

Мамлакатимизнинг учинчи ракеткеси Мария Тимофеева Швейцариянинг Кьяссо шаҳри мезбонлик қилган WTA 75 тоифасига кирувчи, мукофот жамғармаси 60 минг долларни ташкил этган турнирда чемпион бўлди.

Йинчиликсиз – 6/2, 6/3 ҳисобида ғалабага эришди. Таққослаш учун, Тимофеева айна пайтда WTA рейтингда 154, Пигато 149-ўринни эгаллаб турирди.

### Мерганларимиздан уч медаль

Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида ўқ отиш спорти бўйича ёшлар ўртасидаги Жаҳон кубоги мусобақаси якунланди.



Дунёнинг энг кучли ёш мерганлари жамланган нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб иштирок этишди.

Вакилларимиз мусобақа давомида 1 тадан олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритишди.

Хусусан, пневматик милтиқдан 10 метр масофага отиш йўналишида ҳамюртимиз Жавоҳир Соҳибов мерганликда барча рақибларидан устунлигини амалда намойиш этиб, олтин медални қўлга киритди.

Пневматик түппончадан 10 метр масофага

отиш бўйича баҳсларда эса юртимиз шарафини ҳимоя қилган Соҳибжон Абдуллаев кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, пневматик милтиқдан 50 метр масофага уч хил ҳолатда отиш йўналишида яна бир мерганимиз Никита Соколов 3-ўринни эгаллади.

Маъжур натижалардан сўнг, делегациямиз турнирнинг умумжамоа ҳисобида кучли ўнликда якунланди.

### ОКМКдан навбатдаги ғалаба



Мазкур турда Олмалиқнинг ОКМК жамоаси Тошкентнинг "Локомотив" клубига қарши майдонга тушди. Кескин ва қурашларга бой тарзда ўтган

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 10-тур учрашувлари якунланди.

Баҳсда "Кончилар" 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Олмалиқликлар сафида голларга Авазбек Ўлмасалиев ҳамда Нодирбек Абдуразақовлар муаллифлик қилишди.

Мазкур натижадан сўнг вилоят жамоаси ҳисобидеги очколари сонини 15 тага етказиб, турнир жадалининг 6-погонасидан жой олди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## ▼ Мардлар кўриқлайди, Ватани!

# ЮРТГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ШАРАФ

Вилоятимиздаги барча ҳарбий қисмларда ёш аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари тантанали ташкил этилди.



Мазкур тадбирлар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг масъулияти ва бурчини янада оширмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги бошқарма бошлиғи, полковник Т.Исроилов, вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Н.Нормирзаева, ҳарбий қисм командири, полковник К.Топлўлатов, Янгийўл тумани жангчи-фахрийлар кенгаши аъзолари ҳамда аскарларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик, бир томондан, бағрикенг ва бунёдкор халқимизнинг меҳнати самараси бўлса, иккинчи томондан, Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилаётган мард ва жасур ўғлонларимизнинг фидойилиги натижасидир.

Маросимда ёш ҳарбий хизматчилар Ватанга садоқатли бўлишга, халқимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга тантанали қасамёд қилишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

### ▼ Пресс-тур

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳамкорлигида Оҳангарон туманининг "Шодмалик" маҳалласи ҳудудида жойлашган "DripTec" МЧЖга қарашли замонавий саноатлашган оав вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Унда журналистлар юртимизда "UFO" технологияси асосида барпо этилган илк узумзор фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ушбу инновацион технология АҚШнинг Калифорния тажрибаси асосида яратилган бўлиб, узум етиштиришда юқори самарадорликка эришиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда.

## “Аватар”... энди Оҳангаронда



Плантацияда узумнинг экспортбоп "Аватар" нави парваришланмоқда. Унинг юқори сифати ва бозор талабларига мослиги кўпчиликини қизиқтирмоқда.

Ушбу лойиҳа мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорларда рақобатбардошликни ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жамият тасарруфида жами 322,5 гектар ер майдони бўлиб, шунинг 26 гектариде узумзор ташкил этилган.

Тадбирда иштирокчиларга агросаноат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасидаги янгиликлар ҳақида маълумот берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

### ▼ Аграр соҳа

# ЗАНГ ВА ЗИЁН

## Ёхуд бугдой ҳосилини сақлаб қолиш учун вақт билан пойга



Ўзбекистон шароитида бугдой майдонларида 300 дан ортиқ касаллик турлари қайд этилган бўлиб, уларнинг барчаси бирдек хавфли эмас. Энг кўп иқтисодий зарар келтирадиганлари – сариқ ва кўнғир занг, ун-шудринг ва септориоз касалликларидир. Айниқса, сариқ занг касаллиги тез тарқалади. Намлик юқори бўлганда у ҳосилнинг 30-40 фоизи йўқотилишига сабаб бўлади.

Ун-шудринг касаллиги эса ўсимликнинг барча ер усти қисмларини зарарлаб, ўсиши-

ни секинлаштиради. Натижада ҳосилдорлик 20 фоизгача камайиши мумкин. Сўнгги йилларда кенг тарқалаётган септориоз касаллиги ҳам ҳар йили дунё бўйича ўртача 2 фоиз ҳосил йўқотилишига сабаб бўлмоқда.

Касалликлар фақат миқдорга эмас, сифатга ҳам таъсир кўрсатади. Зарарланган ўсимликларда фотосинтез жараёни издан чиқади, доннинг оғирлиги ва таркибидеги озуқа моддалари камайд. Айниқса, найчалаш ва бошоқланиш босқичларида касалликлар пайдо бўлса, ҳосилнинг ярми ёки ундан кўпроги йўқотилиши мумкин.

Мутахассислар гектарига 80-90 центнергача дон етиштириш имконияти мавжудлигини таъкидлашмоқда. Бироқ бу натижага эришиш учун замонавий интенсив технологияларни жорий этиш шарт. Жумладан, сифатли уруғлиқдан фойдаланиш, минерал ўғитларни тўғри меъёрда қўллаш, айниқса,

калий ва фосфор балансини сақлаш, түпроқни асраш технологияларини жорий этиш муҳим. Шу билан бирга, фитосанитар назоратни кучайтириш, ҳар 4-5 кунда далаларни текшириш тавсия этилади. Оддий мисол: ҳар бир майдоннинг камида 10 та нуқтасидан 10 тадан ўсимлик текширилса, касалликнинг дастлабки белгилари аниқланади ва ўз вақтида чора кўриш имкони пайдо бўлади.

Қолаверса, касалликларга қарши курашда замонавий фунгицидлар муҳим ўрин тутаяди. Масалан, гектарига ўртача 200-250 литр ишчи эритма сарфлаб, профилактик ишлов бериш орқали ўсимликларни 20-25 кун давомида ҳимоялаш мумкин. Агар ёмғирли ва салқин кунлар кўп бўлса, 12-14 кундан кейин қайта ишлов бериш талаб этилади. Шу тарзда ўз

вақтида кўрилган чоралар ҳосилни сақлаб қолишда ҳал қилувчи омил бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугдой майдонларида касалликларга қарши кураш – бу шунчаки агротехник тадбир эмас, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стратегик вазифадир. Илмий ёндашув, доимий назорат ва замонавий ҳимоя воситалари орқали юқори ва сифатли ҳосилга эришиш мумкин. Зеро, ҳар бир асралган гектар ва ҳар бир сақлаб қолинган дон – юрт фаровонлигига қўшилган амалий ҳиссадир.

Риқсавий ГУЛМУРОДОВ,  
ТДАУ Қишлоқ хўжалиги  
фитопатологияси кафедраси  
профессори


# КЕЛАЖАК ЛОЙИХАЛАРИ УЧУН МУСТАХКАМ ПОЙДЕВОР

Танловда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 11 дан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардан ташкил топган 35 дан ортиқ жамоа ўз лойиҳалари билан қатнашди.

Ҳар бир ишланма ҳакамлар ҳайъати томонидан таҳлил қилиниб, инновацион ёндашув, илмий асосланганлик, амалий аҳамият ва ижтимоий-экологик таъсир мезонлари бўйича баҳоланди. Яқунда юқори натижаларни қайд этган 18 жамоа финал босқичига йўлланма олди.

Хусусан, мактаблар ўртаксида "Сеҳриё" мактаби ўқувчилари ғолибликни қўлга киритган бўлса, олий таълим муассасалари йўналишида Тошкент давлат аграр университети талабалари етакчи бўлишди.

— Мазкур танлов ёшларнинг (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



техник тафаккури ва ижодий салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим ўрин тутди, — дейди "Ўзбеккосмос" агентлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Каримов. — Муҳими — ғолибликни аниқлаш эмас, балки ҳар бир иқтидор эгасининг ғоясини амалий лойиҳага айлантиришга кўмаклашишдир. Келгусида

республика босқичига чиқа олмаганларнинг ҳам креатив лойиҳаларини танлаб, амалиётга татбиқ этишни режалаштирганмиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай танловлар ёшларни илм-фанга жалб этиш, уларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш ва амалий тажрибасини бойитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Шу маънода танловнинг вилоят босқичи нафақат иқтидорли ёшларни кашф этди, балки янги ғоялар алмашинуви, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда йирик лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Муаллиф олган суратлар

Ilmu ustod kitob hurmati – hammasidan zarur bu bob hurmati.

Kim esdan chiqarsa bu uch hurmatin, Chekar hayotida kamlik zillatin.

Kamoliddin BINOIY



Mehriiddin IBRAGIMOV olgan surat

## ТЕЛЕФОНОМАНИЯ

Оила аъзоларингиз билан овқатланиб ўтирар экансиз, ёнингизда бўлмаган ким биландир тинимсиз смслашиб ўтирадиган бўлсангиз — бу муаммо...



### Дарвоқе

Меҳмон келганида ёки бир жойга борганда телефонни столга (кўз тушиб турадиган жойга) қўядиган бўлсангиз, ўзингиз англамаган ҳолда атрофингиздагиларга "Сиз мен учун аҳамиятли инсон эмассиз", деган тушунча берасиз — бу ҳам муаммо...

Эрталаб кўзингизни очар-очмай аёлингиз (эрингиз), болаларингизга бир оғиз ширин сўз қотмай ёки бошқа бир иш қилмай туриб, телефонни қўлдан қўймагангиз... Демак, сиз — қарамсиз!

Ва бу бошқа қарамликлар сингари, сизни оилангиз, яқинларингиз билан муносабатингизнинг бузилишига олиб келади, баҳоси

йўқ вақтингизни, умрингизни ҳавога совиришга хизмат қилади.

Телефономания — асримиз касаллиги — ҳаётингиз устидан ҳукмронлик қилишига изн берманг.

Маълумот ўрнида: америкалик олимлар интернетнинг инсон психологик ҳолатига ижобий ва салбий таъсири бўйича тадқиқот ўтказдилар. Тадқиқот натижасига қўра, интернет маълумотларининг бор-йўғи 8 фоиз ижобий фикрлашга, 92 фоизи эса бузғунчилик уйғотувчи таъсирга эга экан.

Атрофга қаранг... Оилангиз сиздан эътибор кутмоқда...

К.САЛОМОВА тайёрлади

### Оғрик

Бугун дунё табиатни асраш, унга меҳр билан муносабатда бўлиш зарурати тобора чуқурроқ англамоқда. Табиий бойликлар қадри ошган сари, она сайёрамиз биздан эътибор ва шафқат талаб этаётгандек, гўё. Технологиялар ривожини, шаҳарлар кенгайиши, sanoat ўсиши инсонга қулайликлар яратяпти. Аммо шу қулайликлар ортда табиатнинг изтиробли нафаси эшитилмаётими?..

Экология фақат давлат ёки ташкилотлар зиммасидаги вазифа эмас, балки ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, виждонимизга боғлиқ масъулиятдир.

Яқинда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган лавҳалар кўпчиликини изтиробга солди: қип-қизил гиллама бурканган адирлар... оёқ остида топталмоқда, ҳатто автомобиллар гилдираги остида эзилмоқда. Бу — биргина ҳолат. Аммо кўзга кўринмаган, тармоқларга чиқмаган яна қанча шундай манзаралар бор?..

Юртимиз гўзал. Айниқса, баҳор келиши билан қир-адирлар лолақизгалдоқлар

билан безанади. Табиат ўзининг чиройини намоён этади. Лекин, афсуски, бу мўъжиза кўпчилик учун завқ олиш манбаи эмас, балки шунчаки "селфи" саҳнасига айланиб бормоқда.

Лолақизгалдоқ — ноциклик ва ҳаёт рамзи. У узилганидан бир неча зарар етказиш орқали биз ўз келажакимизга путур етказётганимизни нега унутамиз?..

Бизни қонунлар ёки жарималар эмас, энг аввало, экологик виждон тарбиялаши керак. Бу виждон эса болаликдан шаклланади. Болани гулни узишга эмас,

ларнинг бари бир занжирнинг ҳалқалари.

Оддий бир мисол: сув ичиб бўлган пластик идишни чиқинди қутисига ташлаш, табиат қўйнига чиққанда ортимиздан ахлат қолдирмаслик ҳам экологик маданият.

Биз табиат қўйнига дам

## ҚИЗГАЛДОҚДА ҚОЛГАН ДОҒ...



дақиқа ўтиб сўлиди. Уни топташ эса фақат бугунги гўзалликни эмас, кейинги баҳор умидини ҳам йўқ қилиш демакдир. Чунки ҳар бир топталган гул келгуси йил очилажак минглаб гулларнинг йўқотилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам уларни кўнгил ҳаваси учун узиш ёки топташ табиатга нисбатан беъэтиборликгина эмас, балки хиёнатдир.

Ҳар бир синдирилган новда, ҳар бир эзилган гул мисоли тириклик занжиридан узилган ҳалқа. Табиатга

уни авайлаб, ифоридадан завқ олишга ўргатсак, келажакда табиатга меҳрибон авлодни тарбиялаган бўламиз.

Адирларда очилган лолалар шунчаки гул эмас. Улар баҳор нафаси, табиатнинг юраги, заминнинг латофатидир. Улар ўз жойида, ўз муҳитида очилганда гўзал.

Афсуски, экологик бефарволик фақат гуллар тақдири билан чекланмайди. Жониворларга нисбатан шафқатсизлик, сувга беписандлик, атроф-муҳитга бефаросат муносабат — бу-

олиш учун чиқамиз. Лекин ўзимизни меҳмон каби тутишни унутмаслигимиз керак. Меҳмон эса мезбон уйини ифлос қилмайди, уни топтамайди.

Агар биз табиатни авайласак, уни асрасак, у ҳам бизга ҳаёт бахш этади. Шундай экан, ҳар биримиз табиатга меҳр билан қарайлик, уни асрайлик! Зеро, келажак — табиат ва атроф-муҳитга бугунги муносабатимиздан бошланади.

Зикрилла МУҲАММАД, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

## Моҳият

Дунёдаги энг катта таваккал — бу ҳеч қандай таваккал қилмасликдир. Дунё шиддат билан ўзгараётган бир пайтда, мағлубиятга маҳкум бўлган ягона стратегия — таваккал қилмасликдир.

Марк Цукерберг

\*\*\*

Муваффақият — бу бир мағлубиятдан иккинчисига ғайратни йўқотмасдан ўта олиш қобилиятидир.

Уинстон Черчилль

\*\*\*

Инсонлар сизни фақат ўзларига керак бўлганингизда эслашади. Ҳафа бўлмагн, чироқ ҳам фақат қоронғу тушганда эсланади.

Азиз Несин

\*\*\*

Туғилиш ўлимга қўйилган дастлабки қадамдир.

Гёте

\*\*\*

Қанча пул топишингизнинг аҳамияти йўқ, муҳими — қанчасини сақлаб қолишингизда.

Роберт Кийосаки

\*\*\*

Камбағалларга ёрдам беришнинг энг яхши йўли — улардан бири бўлмасликдир.

Лангстон Ҳьюз

\*\*\*

Бадавлат бўлишни истасангиз, давлатингизни бошқаларга ҳам улашиш иқтидорига эга бўлишингиз керак. Бой бўлишнинг ягона шартини шу.

Муҳаммад Али

\*\*\*

Агар ухлаб ётганингизда ҳам пул келтирадиган йўлни топмасангиз, ўлгунингизча ишлашга мажбур бўласиз.

Уоррен Баффетт



TOSHKENT HAQIQATI  
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va  
"Tashkentskaya pravda"  
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,  
nashr uchun mas'ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOEV

Qabulkona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti — 20:00.

Bosishga topshirildi — 19:00.

Nashr ko'rsatkichi — 205.

Buyurtma G-435.

8 378 nusxada chop etildi.

Hajmi — 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter markazida  
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.